

ЮРАК БЎЛМАЧА ВА ҚОРИНЧАЛАРИ ГИПЕРТРОФИЯСИНИНГ ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИК БЕЛГИЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Бердиева Севинч Абдуллоевна

Кенжаев Ёдгор Маматкулович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети тиббиёт факультети

Кириш (Introduction): Юрак бўлмалари гипертрофияси артериал гипертензия, митрал қопқоқ нуқсонлари ва ўпка хасталиклари каби касалликлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бундай ҳолатларда юрак электр фаолиятида ўзгаришлар кузатилиб, бу электрокардиография (ЭКГ) орқали аниқланиши мумкин. ЭКГ гипертрофияни эрта аниқлашда ва юрак-қон томир касалликлари асоратларининг олдини олишда самарали восита ҳисобланади.

Мақсад: Юрак бўлмалари гипертрофиясининг ЭКГ белгиларини аниқлаш ва уларнинг клиник аҳамиятини баҳолаш.

Усуллар (Methods): Тадқиқотга турли сабаблардан келиб чиққан юрак гипертрофиясига эга 50 нафар бемор жалб этилди. Беморларда ЭКГ текширувлари ва УЗИ диагностикаси ўтказилди. ЭКГ орқали гипертрофиянинг асосий белгилари, жумладан, чап бўлмача гипертрофияси (P-mitrale), ўнг бўлмача гипертрофияси (P-pulmonale) ва қоринча гипертрофиясидаги ўзгаришлар таҳлил қилинди.

Натижалар (Results):

- **Чап бўлмача гипертрофияси:** P тишчанинг икки қулоқли шакли ва давомийлиги ошиши II, III ва AVL шохобчаларда кузатилди.
- **Ўнг бўлмача гипертрофияси:** Юқори амплитудали, учли P тишча II, III ва AVF шохобчаларда қайд этилди.
- **Қоринча гипертрофияси:** Онг ва чап қоринчаларнинг зид электр фаоллиги стандарт ва кўкрак шохобчаларда намоён бўлди.

Тадқиқот натижалари ЭКГ гипертрофияни самарали аниқлаш имконини беришини кўрсатди.

Хулоса (Conclusion): Юрак бўлмалари гипертрофиясини электрокардиографик (ЭКГ) текширувлар орқали эрта аниқлаш, унинг патофизиологик жараёнларини тушуниш ва клиник аҳамиятини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот

натижалари шуни кўрсатдики, чап бўлмача гипертрофияси (P-mitrale) кўп ҳолларда митрал қопқоқ нуқсонлари ва артериал гипертензия билан боғлиқ, ўнг бўлмача гипертрофияси (P-pulmonale) эса ўпка билан боғлиқ хасталиклар натижасида ривожланади. Бунда ЭКГ қатор стандарт ва кўкрак шохобчалардаги ўзига хос ўзгаришларни қайд этиш орқали самарали ташхислаш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги илмий асослар таъкидланди:

1. ЭКГ – юрак гипертрофиясини эрта босқичда аниқлашда тезкор, ишончли ва иқтисодий жиҳатдан самарали восита.
2. Юрак бўлмалари гипертрофиясини эрта аниқлаш орқали юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва асоратларни камайтириш мумкин.
3. Қўшимча методлар (МРТ, УЗИ) билан биргаликда ЭКГ маълумотларини таҳлил қилиш, гипертрофиянинг турлари ва унинг сабабларини янада аниқроқ аниқлаш имконини беради.

Шунингдек, юрак бўлмалари гипертрофиясининг клиник намоён бўлишларини чуқурроқ ўрганиш ва уни аниқлашда янги технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув юрак-қон томир касалликлари профилактикаси стратегиясини такомиллаштиришга ёрдам беради. ЭКГ диагностикасининг клиник амалиётда кенг қўлланиши тавсия этилади, чунки у юқори самарадорлик ва қулайликка эга.